


Болтабой МУҲАММАД ҚУРБОН

# Ғозиобод и ҷомлари



Болтабой Муҳаммад Қурбон

# ҒОЗИОБОД ИЛҲОМЛАРИ

Шеърлар

Тошкент  
“Истиқлол нури”  
2014

**УЎК: 821.512.133-3**

**84(5Ў)7**

**М31**

**Матқурбонов, Болтабой**

Ғозиобод илҳомлари : шеърлар / Б. Матқурбонов.  
Тошкент : Истиқлол нури, 2014. - 44 б.

**КБК 84(5Ў)7**

Хоразмлик истеъдодли қаламкаш Болтабой Муҳаммад Қурбоннинг ижод намуналари жамланган ушбу китоб ҳар бир шеърят мухлисининг на фақат китоб жавонидан, балки кўнгилдан ҳам жой олиши аниқ.

Болтабойнинг шеърларида ўйчанлик ва қувноқлик оҳанглари ўзаро уйғунлашган. Айниқса, унинг ҳазил шеърлари завқингизга завқ қўшади.

Шоир ҳажвий шеърларида Асабий таҳаллусини қўлаб, ҳажвий туркумини фахр билан “Асабиймона” деб номлабди.

Марҳамат, азиз шеърхон, ўқинг, завқланинг.

**ISBN 978-9943-4304-1-9**

© Б. Матқурбонов,  
© «Истиқлол нури»,  
2014 й.



## ЯША, ЯШНА, ГУЛЛАГАН ВАТАН

Самоларни тутди ўзбек деган ном,  
Таниди халқимни ер юзи тамом,  
Қўллари кўксида, дилида калом,  
Яша, яшна мудом, гуллаган ватан,  
Бахшида бўлгайдир бу сенга жону тан.

Осуда ҳаётнинг чин тарафдори,  
Доно Юртбошимиз миллат сардори,  
Оллоҳ бўлсин унинг ҳар доим ёри,  
Яша, яшна мудом, гуллаган ватан,  
Бахшида бўлгайдир бу сенга жону тан.

Томирида буюк аждодлар қони,  
Қўлида истиқлол берган имкони,  
Ушалди ўзбекнинг мангу армони  
Яша, яшна мудом, гуллаган ватан,  
Бахшида бўлгайдир бу сенга жону тан.

Ватан бу муқаддас аталган тупроқ,  
Ҳар бир қарич ери бизга азизроқ,  
Қалбим тўла меҳр, дилимда ардоқ,  
Яша, яшна мудом, гуллаган ватан,  
Бахшида бўлгайдир бу сенга жону тан.



## ҲАР ДОИМ ЁР БЎЛСИН ИСТИҚДОЛИМИЗ

Тарих-ла сирлашган шаҳарларинг бор,  
Бухоро, Хива деб айтаман такрор.  
Ўзукка қош мисол Тоғмаҳал бўлиб,  
Самарқанду Тошкент турар пурвиқор.  
Ҳар доим ёр бўлсин истиқдолимиз,  
Порласин толемиз, бахт-иқболимиз.

Озод, ҳур яшашга имкон етишди,  
Ўйлама, бу кунга осон етишдик.  
Имон, эътиқодли ҳар бир мусулмон,  
Ҳар уйга муқаддас Қуръон етишди.  
Ҳар доим ёр бўлсин истиқдолимиз,  
Порласин толемиз, бахт-иқболимиз.

Ўтган кунларимиз қоронғу бир тун,  
У пайтлар эдик-ку, кўпимиз бедин.  
Степан Разиннинг таърифин этдик,  
Қолиб кетаверди мард Жалолиддин.  
Ҳар доим ёр бўлсин истиқдолимиз,  
Порласин толемиз, бахт-иқболимиз.

Ўқилмаган тарих, ашъорлар бисёр,  
Шукур, буни бутун англагувчи бор.  
Жаҳонни забт этган мағрур жаҳонгир,  
Амир Темур яна қайтдилар такрор.  
Ҳар доим ёр бўлсин истиқдолимиз,  
Порласин толемиз, бахт-иқболимиз.

Ўзбекнинг боласи дунёни кезди,  
Мардлик-матонатда ҳаммадан ўзди.  
Довруғини ёйди бутун оламга,  
Ўзбекнинг боласи чин ватан тузди.  
Ҳар доим ёр бўлсин истиқдолимиз,  
Порласин толемиз бахт-иқболимиз.



## ХОРАЗМ

Ҳейвоҳидан Хива яратган юртим,  
Дунёни ўзига қаратган юртим,  
Донғини оламга таратган юртим,  
Новвотим, болимсан, гўзал Хоразм,  
Шеъримсан, қўшиғим, ғазал Хоразм.

Аждоди мард жасур Жалоллар юрти,  
Ҳунарманд, косибу кулоллар юрти,  
Имони бут, нони ҳалоллар юрти,  
Новвотим, болимсан, гўзал Хоразм,  
Шеъримсан, қўшиғим, ғазал Хоразм.

Маҳмуд Замаҳшарий – Жоруллоҳ бобом,  
Паҳлавон Маҳмудим – қиблаи Каъбам,  
Илмига лол қолмиш арабу ажам,  
Илмга сен қўйдинг тамал, Хоразм,  
Илмингга қилдинг сен амал, Хоразм.

Огаҳий шеърига кўнгиллар кўнган,  
Кўҳна Жайҳун узра дулдуллар кўнган,  
Машшоқлар созига булбуллар кўнган,  
Ҳожихон, Комилжон мисол Хоразм,  
Ҳар сўзинг ғазалдир, матал Хоразм.

Хоразм нонининг туйган таъмини,  
Асло топа олмас унинг камини,  
Беруний юрти бу, Кубро замини,  
Тарихи азалдан азал Хоразм,  
Шеъримсан, қўшиғим, ғазал Хоразм.

Кимни сеҳрламас Феруз навоси,  
«Алиқамбар» хаста диллар давоси,  
«Лазги»дан жон олмиш Одам Атоси,  
Санъатда бўлдинг сен машъал Хоразм,  
«Лазги»дай мазали, гўзал Хоразм.



## УДУМ

Бизнинг Хоразмда қизиқ удум бор,  
Балки, боболардан қолган бир мерос.  
Меҳмондўст элимга меҳрим бўлакча,  
Шунинг чун элимга қалбимда эъзоз.

Тандирдан бўрсилдоқ нон узилганда,  
Келинчак нон енг дер ким ўтса йўлдан.  
Нондан улғумисиз, вақтни қизғанманг,  
Нондан татиб ўтинг табаррук қўлдан.

Нондан еб ўтингиз, шошсангиз ҳамки,  
Балки, меҳмондурсиз, балки ҳамюртим.  
Балки, чет элликми, фарқи йўқ бунинг,  
Воҳамда сақланган бу кўҳна удум.

## ЎЗГАРИШ

У катта кўчада дўстин учратди,  
Кўрмаганга олди кўрган бўлса ҳам.  
Ҳол-аҳвол сўрашиш мумкин эди-ку,  
Вақти зиқ бўлсада ўша дам.  
Ўйлаш керак бундай лавозимни ҳам  
Ахир, у киму дўсти ким?!

Ва яна бир куни учратиб дўстин,  
Олдига чиқибон шу он кўндаланг,  
Ипдан-игнагача сўради аҳвол,  
Билмай юрган экан кимлигин аттанг,  
Ўйлаш керак бундоқ лавозимни ҳам  
Ахир, дўсти киму у ким?



## ҒОЗИБОД БЎЙЛАРИДА

Туркум

ҒЎЗАЛ

Ғўзал, ғўзал, мастон ғўзал,  
Таърифлари дoston ғўзал.  
Боғим эшиклари очиқ,  
Келаверинг остон ғўзал.  
Субҳидам чоғлари яхши,  
Кезсангиз боғлари яхши.  
Чаман-чаман гул ораси,  
Бизга бўлсин ошиён ғўзал.  
Ғозибод гулларига,  
Ошиқман булбулларига,  
Тез қовушсин бу икки дил,  
Мушкул бўлсин осон ғўзал.  
Кўнгил кўнгилга дуч бўлди,  
Севгидан юрак жўш бўлди,  
Ёлғизингиз севгани чин,  
Сиз ҳам севинг ростдан, ғўзал.

\* \* \*

Умид билан шу икки ёш,  
Бир ёстикқа кўймоқда бош.  
Тилак тилар севишганга,  
Она замин, бобо қуёш.  
Ғўч йигитни ғам йиқмасин,  
Бошингиз тўйдан чиқмасин.  
Йироқ бўлинг қайғу-ғамдан,  
Кўзингиздан чиқмасин ёш.  
Бахт тилар қизнинг онаси,  
Тахт тилайди дугонаси,  
Олтин дея остонаси,  
Олқишлайди қавму қардош.  
Ғозибод тўйларин кўр,  
Тўй бермоқда бир марди шер,  
Ўтирма уйда, тўйга юр,  
Тўйга келган бутун элдош.

➔ 7 ➔





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/1374> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1374> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1374>